



Сайёх Хаммернинг “Тарих” китобида кизик бир воқеа келтирилган: Султон Сулаймон Франция императори Франсуага куйидаги мазмунда бир мактуб юборган эди: «Менким, кирк саккиз юртнинг императори Конуний Султон Сулаймонман. Менга етган хабарларга кўра, сенинг мамлакатингда «танса» номида хотин билан эркак бир-бири ила кучоклашиб, халойик олдида очикчасига ўйин тушадиган одат пайдо бўлибди. Худудларимиз битта бўлгани боис, ушбу разолатли ўйиннинг мамлакатимга ўтиш эҳтимоли мавжуд. Номаи хумоюним кўлингга етгани замон бу ўйинни тўхтатсанг-тўхтатдинг, тўхтатмасанг, менинг ўзим бориб тўхтатаман». Мана шу биргина мактуб туфайли Францияда тўла юз йил танса ўйини ман этилди. Бу ҳақда Франция тарихига оид манбаларда ҳам қайд этилган.